

Internati
Turkiy till

O'ZBEKISTON XALQARO ISLOM AKADEMIYASI
MUXTOR AUEZOV NOMIDAGI JANUBIY
QOZOG'ISTON UNIVERSITETI
AKADEMIK BOBOJON G'OFUROV NOMIDAGI
XO'JAND DAVLAT UNIVERSITETI



TURKIY TILLI DAVLATLAR
MADANIYATI, FALSAFASI VA TARIXI
XALQARO SIMPOZIUM

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY
OF UZBEKISTAN

XALQARO MUNOSABATLAR VA IJTIMOIIY FANLAR KAFEDRASI

“TURKIY TILLI DAVLATLARNING
FALSAFASI, MADANIYATI, ALOQALARI:
TARIX, BUGUN VA KELAJAK”

IV - XALQARO SIMPOZIUM



TOSHKENT 2023



falsafasi, madaniyati, aloqalari: tarix, bugun va kelajak



O'ZBEKISTON XALQARO ISLOM AKADEMIYASI
MUXTOR AUEZOV NOMIDAGI
JANUBIY QOZOG'ISTON UNIVERSITETI
AKADEMIK BOBOJON G'OFUROV NOMIDAGI
XO'JAND DAVLAT UNIVERSITETI

TURKIY TILLI DAVLATLARNING
FALSAFASI, MADANIYATI, ALOQALARI:
TARIX, BUGUN VA KELAJAK

Xalqaro simpozium materiallari

2023-yil, oktabr

“Academic Research” MCHJ

TOSHKENT 2023



Turkiy tilli davlatlarning falsafasi, madaniyati, aloqalari: tarix, bugun va kelajak. Xalqaro simpozium materiallari. - Toshkent: "Academic Research" MCHJ, 2023-yil.

MAS'UL MUHARRIR:

Rajabov Sh.Sh. O'zXIA "Xalqaro munosabatlar va ijtimoiy fanlar" kafedrasida katta o'qituvchisi, falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD),

TAHRIR HAYATI:

Karimov F. E.	Siyosiy fanlar doktori (DsC), dotsent O'zXIA.
Qaxxarova M. M.	Falsafa fanlari doktori, prof. O'zXIA.
Raximshikova M.	Falsafa fanlari nomzodi, dotsent JQU.
Karimova D. R.	Yuridik fanlar doktori (DsC), dotsent O'zXIA.
Valiyev B. N.	Falsafa fanlari nomzodi, dotsent O'zXIA.
Akmalov Sh. I.	Siyosiy fanlar nomzodi, dotsent O'zXIA
Yunusov H.	Yuridik fanlar nomzodi, dotsent O'zXIA
Berdiyev B. O.	Siyosiy fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD), dots. v.b.
Nazirov M. M.	Siyosiy fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD), dots. v.b.
Akramov J. D.	Siyosiy fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD) O'zXIA

KOORDINATOR:

Avazova Sh.	Yuridik fanlar nomzodi, katta o'qituvchi, O'zXIA. Katta o'qituvchi. O'zXIA.
Mamazova Z.	O'qituvchi. O'zXIA.
Jumaniyozova M.	O'qituvchi. O'zXIA.

TEXNIK MUHARRIR:

Muxammadsoliyev S. Magistrant. O'zXIA.

Mualliflar maqolalarda keltirilgan fikrlar, ma'lumotlar hamda manbalarning ishonchli va asosli ekanligiga mas'uldirlar.



АБУЛ МУЪИН АН-НАСАФИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ХОРИЖ ТАДҚИҚОТЛАРИДА

Ф.Р.Равшанов

Сиёсий фанлар доктори

Калит сўзлар: Абу Мансур Ал-Мотуридий, калом илми, суннийлик, Абул Муъин Ан-Насафий, ғоялар, қарашлар, эътиқод таълимоти, илоҳиёт ва фалсафа, Аз-Заҳабий, Аз-Захроний, Ал-Лакнавий, Муҳаммад Касталлий, Солиҳ ал-Фарфур, XX аср Европа олимлари Ан-Насафий ҳақида.

Аннотация: Мақолада Насафийнинг Мотуридийдан кейин калом илми тараққиётида тутган ўрни, таълимотни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳақида фикр юритилади. Насафий ижоди ўзидан кейин тарихда ва ҳозирги кунларда ҳам кўплаб хорижлик олимлар томонидан тадқиқ ва таҳлил этилган. Мазкур мақолада унинг ҳаёти, илмий фаолияти, асарларининг мусулмон оламида тутган ўрни борасида хорижда амалга оширилган айрим тадқиқот ишлари ҳақида маълумотлар умумлаштирилади.

Аннотация: В статье рассматривается роль Насафи в развитии науки Калам после Мотуриди, а также его вклад в развитие учения. Работы Насафи изучались и анализировались многими зарубежными учёными как в истории, так и в наши дни. В данной статье обобщены сведения о некоторых исследовательских работ, проведенных за рубежом, касающихся его жизни, научной деятельности и роль его произведений в мусульманском мире.

Annotation: The article examines the role of Nasafi in the development of Kalam science after Moturidi, as well as his contribution to the development of the doctrine. Nasafi's works have been studied and analyzed by many foreign scientists both in history and today. This article summarizes information about some research work carried out abroad concerning his life, scientific activities and the role of his works in the Muslim world.



Абу Мансур Ал-Мотуридий таълимотини ўрганиш ва борган сари илғор равида ривожланаётган ислом маданиятига татбиқ этиш, уни энг тўғри таълимот сифатида тарғиб этиш Мотуридийнинг ўзи ҳали ҳаёт бўлган замонлардан бошланган эди. Мотуридий тарихда тириклигидаёқ жуда кўп шогирдлар, мухлислар орттириб улгурган, вафотидан кейин ҳам яратиб

қолдирган асарлари орқали жуда кўп шогирдлар етиштирган буюк мутафаккирлардан бири ҳисобланади. Ислом дунёсида Мотуридийдан кейин, унинг таъсирида калом таълимотини мусулмон оламида кенг ёйган ва суннийликда Мотуридийя йўналишининг мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшган мутафаккирлардан бири Абул Муъин ан-Насафий ҳисобланади. Насафий Мотуридий ғоялари ва қарашлари, эътиқодий таълимотини жамиятга тушунтириш, унинг мътазилийлар ва Ашъарий таълимотидан фарқли жиҳатлари, хулосаларини шарҳлаш, тўлдириш борасида қатор ишларни амалга оширди ва асарлар яратдики, натижада ислом оламининг катта қисмини қамраб олувчи суннийлар мотуридия таълимотини ўз эътиқодларининг ажралмас қисми сифатида қабул қилдилар. Афсуски, ан-Насафий ҳаёти ва ижоди ўзбек олимлари томонидан ҳозиргача ҳам на илоҳиётшунослик ва на фалсафий нуқтаи назардан етарлича ўрганилмаган, асарлари ҳам ўзбек тилига етарли таржима қилинмаган.

Абул Муъин ан-Насафийнинг ҳаёти ва ижоди, асарлари ва эътиқоди тарихий ва замонавий хорижий Шарқ ва Ғарб олимлари томонидан анчагина кенг ўрганилган. Айтиш керакки, бу тадқиқотлар унинг насаби ва уларнинг яшаган жойларини аниқлашдан бошланиб, Насафий томонидан бирор масалада айтилган биргина сўзнинг мазмун-моҳиятини ойдинлаштиришгача кенг қамровда амалга оширилган. Бу эса Насафийнинг ислом тараққиёти тарихида қанчалар катта ўрин тутган шахслардан бири бўлганини англатади.

Машҳур мусулмон олими, муҳаддис, тарихчи, биограф ва ҳофизи Қуръон Шамсуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ат-Туркманий азЗаҳабий (1274 й. Сурия) Абул Муъин ан-Насафийнинг тўлиқ исмини Абу



ал-Муъин Маймун ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муътамад ибн Макхул (Шамсиддин Заҳабийда Абу Мутиъ Макхул ибн Фадл [1:269]) ан-Насафий тарзида тилга олади ва уни 1046–1047 (438 х.) йиллар атрофида Самарқандда туғилганлигини қайд этади [2:119]. Маккалик олим аз-Захроний берган маълумотларга кўра эса, бўлғуси буюк мутакаллимнинг ота-боболари ҳам Насафнинг ўша давр илм аҳли томонидан кенг эътироф этилган улуғ олимлардан бўлишган [3:81]. Ҳиндистонлик олим Муҳаммад Абдулҳай ал-Лакнавий (1264-1304 й.) Абул-Муиннинг бобоси Макхул Абул-Фазл ан-Насафий (в. 1114 й.) нинг 8 га яқин асари кенг тарқалгани, ўзидан кейин бир неча ўндан ортиқ кучли шогирдлар қолдиргани, кўплаб

шогирдлари ўз даврининг таниқли ҳанафий фақиҳлари, муҳаддис ва файласуфлари бўлиб етишганларини ёзиб қолдирган [4:39-40;52-53;120-121;149-150]. Ан-Насафийнинг бобоси йирик олим киши бўлганлигини араб манбалари асосида тадқиқотлар олиб борган машҳур ўзбек олими Убайдулла Уватов ҳам тасдиқлайди [5:175]. Абул-Муъин мана шундай одамлар қуршовида ўлғайди, таълим олди ва буюк асарлар яратди.

Олим У.Уватов маълумотларига кўра ан-Насафий ижоди доимий равишда хорижий Шарқ олимлари диққат марказида бўлиб келади. Масалан, Абул-Муъин ан-Насафий ҳаёти ва ижоди ҳақида, таълимоти ва улардаги асосий ғоялар ҳақида тарихда ал-Кавафий (“Катоиб аълом алахёр” асарида), Абдулҳай ал-Лакнавий (“Ал-фавоид ал-бахийя фи тарожум ал-ҳанафийя” асарида), ал-Бағдодий (“Ийзоҳ ал-макнун”, “Ҳадият алорифийн” асарларида), Хайриддин аз-Зириклий (“Ал-Аълом” асарида), Умар Ризо Каҳҳол (“Муъжам ал-муаллифийн”) каби олимлар [5:186] кенг миқёсда муносабат билдирганлар. Шу каби Муҳаммад Касталлий (Қасталоний ар-Румий) ҳам ан-Насафийнинг мотуридия ва умуман ҳанафий тараққиётида юксак ўрин тутганини қайд этади [6:40]. XX асрда ҳам амалга оширилган йирик ишлардан бири, унинг «Ат-Тамҳид ли-қавоид ат-тавҳид» (Тавҳид



қоидалари бўйича қўлланма) асари 1986 йилда мисрлик олим Ҳабибуллоҳ Ҳасан ал-Аҳмад томонидан кенг тарзда олиб борилган тадқиқий ва таҳлилий материаллар билан бирга икки қатга қисм ва унинг таркибий қими бўлган фасл ва боблардан иборат жилдларга бўлиб, Бағдодда нашр этилган. Суриялик олим Солиҳ ал-Фарфур эса Насафийнинг “Баҳрул-калом” (“Калом (илмида) денгиз”) асари танқидий матни ва таҳлили нашрини амалга оширган [5:196]. Бу асарнинг қўлёзмалари бугунги кунда Дубай, Дамашқ, Искандария кутубхоналарида сақланмоқда. У замонавий тарзда биринчи бор 1908 йили Қоҳирада нашр этилган.

Ан-Насафий ҳаёти ва ижоди Европалик олимлар томонидан ҳам кенг ўрганилган. Украиналик олим Нофал Фарис ан-Насафий ижодини тадқиқ этар экан, унда уйғунлашган диний ва илмий моҳиятни замонавий фалсафий қарашлар асосида ёритишга ҳаракат қилган. Унинг келтиришича, Насафийнинг калом таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси унинг жуда кўп ислом тадқиқотчилари суянадиган ва мотуридийлик таълимотини тизимга солган уч буюк асари - «Баҳр ал-калом фи илм ал-калом» (Калом илмида денгиз), «Табсират ал-адилла фи усул ад-дин» (Дин асосидаги далилларни ўрганиш) ва «ат-Тамҳид ли-қавоид ат-тавҳид» (Тавҳид қоидалари бўйича

қўлланма) орқали ҳам ёрқин намоён бўлади [7:134-145].

Таниқли татар илоҳиётчиси Шихобуддин Маржоний ҳам мотуридия таълимотини кенг таҳлил этар экан, унинг айниқса ҳанафий мазҳабида ва умуман юз миллионлаб мусулмонлар дунёқараши шаклланишида муҳим ўрин эгаллаши ва тафаккурнинг мустақамланишида ан-Насафий асарлари марказий ўрин эгаллашини таъкидлаб ўтади [8].

Босниялик олим Мустафо Черич ўзининг “Исломдаги синтетик теологиянинг илдизлари: Абу Мансур ал-Матуридий илоҳиётини ўрганиш” номли илмий тадқиқотида Абул-Муъин Насафийни Мотуридийдан сўнг мотуридия таълимотини ривожлантирган беш олим орасида энг улуғи деб таъкидлайди [9].

Шунингдек, мотуридия таълимоти, жумладан ан-Насафий қарашларининг унда тутган ўрни борасида кўплаб замонавий олимлар ҳам илмий тадқиқотлар олиб боришган. Бу борада чуқур тадқиқотлар олиб



борган немис олими Улрих Рудолф мотуридия ғоялари юзасидан тарихда олиб борилган кўплаб таҳлилар ва қарашларни келтириб ўтади ва уларни фалсафий нуқтаи назардан шарҳлайди. Улрих Рудолф ана шу таҳлилари давомида Насафийни кўп бора тилга олади ва тарихий ва замонавий тадқиқотларда ҳам мотуридия таълимоти ва қоидаларининг мустаҳкамланишида Насафий қарашлари муҳим ўрин тутганлигини таъкидловчи кўплаб маълумотлар мавжудлигини қайд этади [10]. Булар қаторида у кейинги ишларида тарихий тадқиқотчилардан Ибн ад-Доий, Тожуддин ас-Субкий (в.1370 й), турк олими Камолиддин Баёзий (в. 1687 й), эронлик олим Нуриддин Муҳаммад ибн Абу ат-Таййиб аш-Широзий, мисрлик Абу Узба (унинг 1713 йилда яратилган «Ар-Равза ал-бахия фи ма байна ал-Ашъария вал-Матуридия» асари.), Абдулғаний ан-Набулусий (в. 1730 й.), XX аср Европа олимларидан Спитта, Спиро, (1904) Голдциер (1910), Хортен (1912), Браун (1922), Макдоналд (1936), Клейн (1940), Триттон (1947), Гарде ва Анавати (1948), Шахт (1953), Гётц (1965), Аллард (1965), Холейф (1970), Сайид Аводайн (1971), Галли (1982), Франк (1974) Уатт (1973 ва 1974), Монно (1977), Жимаре (1980), Камол Ишик (1980), Пессано (1984), Саид Язидчи ўғли (1985 и 1988), Абулқосим Ғолий (1989), Маделунг (1991), Бекир Тўпол ўғли (2002), Жило (2004), Салим Даккач (2008) кабиларнинг кўрсатилган йилларда нашр этилган ишларида мотуридия таълимоти бўйича кенг тадқиқотлар амалга оширилгани, жумладан мазкур нашрларда Насафий ижоди, асарларида баён этилган

кўплаб хулосаларнинг мазмун-моҳияти ва мусулмонлар ҳаёти, айниқса аҳли сунна вал жамоа мазҳабида уларнинг тутган ўрни ҳақида қарашлар мавжудлигини айтиб ўтади [11].

Ан-Насафий ҳаёти ва ижоди, асарлари юзасидан ўзбек олимлари томонидан ҳам тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, таникли арабшунос ва тарихчи олим У.Уватов ан-Насафий ҳақида ўзбек китобхонларига бир қатор нодир маълумотлар тақдим этган. Улар орқали биз ан-Насафийнинг



хаёти ва ижоди, мотуридия таълимоти ва унинг тарқалишида тутган ўрни, мутафаккирнинг устозлари ва шогирдлари, ва мусулмон оламида машхур айрим асарлари қисқача мазмуни ва уларга турли даврларда ва шаклларда билдирилган муносабатлар ҳақида маълумотларга эга бўламиз [12:152-167; 199-201]. Ан-Насафий ҳақида У.Уватов тадқиқотларидан қисман фарқли маълумотлар Мусохон Аббосиддинов, Элмурод Ҳожи ўғли ишларида, Ҳусанбой Жамолиддинов ва Довудхон Рахматуллаев каби ёш тадқиқотчиларнинг интернет саҳифаларида эълон қилинган қисқача ва умумий мақолаларида қайд этилади. Лекин Абул Муъин ан-Насафий ижоди ниҳоятда кенг бўлиб, ў ҳозир ўзбек тилида ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Имом Шамсиддин Заҳабий. Сияру аъламин нубало (Машхур даҳолар сийрати). –Т.: Шарқ, 2015. 269-б.
- 2.Шамсуддин аз-Заҳабий. Тарих ал-ислам ва вафийят ал-машаҳир ва ал-аълам. Байрут, 2003. Т. 11. С. 119.
- 3.Аз-Заҳроний. Абу ал-Муъин ан-Насафий ва арау-ху фи ат-тавҳид ардан ва нақдан” “Макка, 2000. 81–82 б.
- 4.Мухаммад ал-Лакнавий. Ал фаваидул баҳийя фий тарожимил ханафийя. Байрут, 1998. С. 39–40, 52–53, 120–121, 149–150 б.
- 5.Ўзбекистон – буюк алломалар юрти. –Т.: Маънавият, Мовароуннаҳр, 2010. 175 б.
- 6.Muhammad al-Kastalliy. Al-Majmu'at al-Saniyyah 'ala Sharh al-'Aqa'id al-Nasafiyyah. Dar Nur al-Sabah, Beyrut, Syria, 1928.40-р.
- 7.Нофал Ф.О. Философия ан-насафи как квинтэссенция матуридитского вероучения.// Философский журнал 2016. Т. 9. № 1. С. 134–145.
- 8.Шихаб ад-дин Марджани, Зрелая мудрост в разьяснение догматов ан-Насафи. Казан, 2008.
- 9.Ceric M. Roots of synthetic theology in Islam: a study of the theology of Abu Mansur al-Maturidi. International Institute of Islamic Thought and Civilization, Kuala Lumpur, 1995



10. Рудолф У. Ал-Матуриди и суннитская теология в Самарканде. Алматы, 1999.

11. Rudolph, Ulrich. Al-Maturidi and the development of Sunni theology in Samarqand. Leiden: Brill, 2015.

12. Буюк алломалар юрти. Иккинчи нашр. –Т.: Ўзбекистон, 2018. 152167, 199-201-б.

MUNDARIJA

SHO‘BA NOMI:

TURKIY TILLI DAVLATLAR FALSAFASI RIVOJI: HOLATI VA ISTIQBOLLARI

1. Qaxharova M. M (2023). TURKIY TILLI DAVLATLARNING MA’NAVIY MEROSI: TARIX, BUGUN VA KELAJAK. Turkiy tilli davlatlarning falsafasi, madaniyati, aloqalari: tarix, bugun va kelajak, Xalqaro simpozium materiallari, 513.

2. Арынғазиева Б. Б (2023). ТҮРКІ ӘЛЕМІ ЖӘНЕ ШЫҒЫС ЕЛДЕРІНЕ БАТЫС ЭКСПАНСИЯСЫНЫҢ ӘСЕРІ. Turkiy tilli davlatlarning falsafasi, madaniyati, aloqalari: tarix, bugun va kelajak, Xalqaro simpozium materiallari, 14-24.

3. Каримова Т., Шерматов К. М (2023). АКАДЕМИК БОБОЖОН ҒАФУРОВ

ИЖОДИДА НАВОИЙ МЕРОСИ МАСАЛАСИ ИНЪИКОСИ. Turkiy tilli davlatlarning falsafasi, madaniyati, aloqalari: tarix, bugun va kelajak, Xalqaro simpozium materiallari, 25-30.

4. Балтабай А.С., Анапияева Г.Т., Шамсиддин Д.С (2023). ҰЛТТЫҚ



МЭДЕНИЕТ ҲРПАҚТАР САБАҚТАСТЫҒЫНЫҢ ФАКТОРЫ РЕТИНДЕ. Turkiy tilli davlatlarning falsafasi, madaniyati, aloqalari: tarix, bugun va kelajak, Xalqaro simpozium materiallari, 31-37.

5. Усанова Р. Т., Дадохонова М. Р., Усанов Б. Р (2023) ИБН СИНО ФАЛСАФАСИДА ОИЛНИНГ ҲРНИ. Turkiy tilli davlatlarning falsafasi, madaniyati, aloqalari: tarix, bugun va kelajak, Xalqaro simpozium materiallari, 38-45.

100.Равшанов Ф. Р (2023). АБУЛ МУЪИН АН-НАСАФИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ХОРИЖ ТАДҚИҚОТЛАРИДА. Turkiy tilli davlatlarning falsafasi, madaniyati, aloqalari: tarix, bugun va kelajak, Xalqaro simpozium materiallari, 615-620.

101.Равшанов Ф. Р (2023). ФАРБ ТАМАДДУНИДА ИНСОН ЭМАНСИПАЦИЯСИ ҒОЯСИ, ОИЛА, НИКОҲ ТУШУНЧАЛАРИ ТАНАЗЗУЛИНИНГ ТАРИХИЙ НЕГИЗЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ. Turkiy tilli davlatlarning falsafasi, madaniyati, aloqalari: tarix, bugun va kelajak, Xalqaro simpozium materiallari, 621-632.

102.Зинатуллаев З (2023). ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ИСЛОМГА АСОСЛАНГАН ТУРК БОШҚАРУВИНИНГ ИЛК НАМУНАСИ СИФАТИДА. Turkiy tilli davlatlarning falsafasi, madaniyati, aloqalari: tarix, bugun va kelajak, Xalqaro simpozium materiallari, 633-638.

103.Ишанханова М (2023). ОБРАЗОВАНИЕ В ОСМАНСКОЙ ИМПЕРИИ: ИЗУЧЕНИЕ АРАБСКОГО ЯЗЫКА НА ОСНОВЕ БАХС АЛ-МАТАЛИБ ВА ХАСС АЛ -ТАЛИБ ИБН ФАРХАТА. Turkiy tilli davlatlarning falsafasi, madaniyati, aloqalari: tarix, bugun va kelajak, Xalqaro simpozium materiallari, 639-646.

104.Турсунов Б. Р., Маматқулов Љ. А (2023). XIX АСРДА УСМОНИЙЛАР ВА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ҲЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ. Turkiy tilli davlatlarning falsafasi, madaniyati, aloqalari: tarix, bugun va kelajak, Xalqaro simpozium materiallari, 647-654.

105.Rajarov P. S (2023). XI ASR II CHORAGIDA XUROSONDA



G‘AZNAVIYLAR VA SALJUQIYLAR MANFAATLARINING TO‘QNASHUVI. Turkiy tilli davlatlarning falsafasi, madaniyati, aloqalari: tarix, bugun va kelajak, Xalqaro simpozium materiallari, 655-662.

106.Йылмаз М (2023). ГУРИЛЕР (ШЕНСЕБАНИЛЕР) ЖЭНЕ ЗАМАНДАС ОРТАЛЫҚ АЗИЯДАҒЫ ТҮРКІ МЕМЛЕКЕТ БАСШЫЛАРЫНЫҢ ӨЗАРА ҚОЛДАНҒАН АТАҚТАРЫ ЖЭНЕ САЯСИ ЫҚПАЛЫ. Turkiy tilli davlatlarning falsafasi, madaniyati, aloqalari: tarix, bugun va kelajak, Xalqaro simpozium materiallari, 663-670.

107.Рўзиқулов Ш. М (2023). ҚАЙТА ҚУРИШ
ЙИЛЛАРИДА

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ВА КАСБ - ҲУНАР БИЛИМ ЮРТЛАРИ. Turkiy tilli davlatlarning falsafasi, madaniyati, aloqalari: tarix, bugun va kelajak, Xalqaro simpozium materiallari, 671-677.

108.Турсунов Б. Р., Абдукаримов Ж. А (2023). XVIII АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ВА XIX АСР БОШЛАРИДА ҚЎҚОН-ХИТОЙ МУНОСАБАТЛАРИГА ОИД БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР. Turkiy tilli davlatlarning falsafasi, madaniyati, aloqalari: tarix, bugun va kelajak, Xalqaro simpozium materiallari, 678-683.

109.Абдукаримов Ж (2023). “МУНТАХАБ АТ-ТАВОРИХ” АСАРИ МУАЛЛИФИ МУҲАММАД ҲАКИМХОН АМИР ШОҲМУРОД ҲАҚИДА. Turkiy tilli davlatlarning falsafasi, madaniyati, aloqalari: tarix, bugun va kelajak, Xalqaro simpozium materiallari, 684-690.

